

№67

А.Н.НИГМАТОВ

ЭКОЛОГИЯ ХУҚУҚИ

схемалар ва тушунчаларда



ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

в схемах и определениях

Handwritten signature or initials.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ


Тошкент Давлат юридик институти

Б-М

А.Н.НИГМАТОВ

ЭКОЛОГИЯ ХУКУКИ
схемалар ва тушунчаларда

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



Янги ишланган ва
тулдирилган 2-нашри.

Ташкент - 1999

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент
Давлат юридик институтининг Ўқув-услубий кенгаши
томонидан мақулланган**

**А.Н.Нигматов. Экология ҳуқуқи: схемалар ва
тушунчаларда. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси,
1: 1999- б.**

**Масъул муҳаррир - юридик фанлари доктори,
профессор Х.Б.Бобоев**

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистонда экология ҳуқуқи фанининг моҳиятини кўргазмали ҳолда ёритиб берувчи схемалар ва тушунчалардан иборат. Қўлланмани тузишда ушбу ҳуқуқ соҳасининг жуда тез сураётларда шаклланиб боришига сабаб бўлган Ўзбекистон Республикаси янги ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларидан кенг фойдаланилган.

Схема ва тушунчаларнинг жойланиш тартиби экология ҳуқуқи ўқув курси дастурларига мос тушади. Ўқув қўлланмада бу фан соҳасининг асосий бўлинмалари ва институтларининг моҳияти очиб берилган. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда меъерий-ҳуқуқий манбалар рўйхати келтирилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор – ўқитувчилари, талабалари тингловчилари ва курсантларига мулжалланган. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бўлинмаларнинг илмий ва амалий ходимлари ҳамда экология масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар учун фойдалидир.

Такризчилар: Тошкент Давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси мудирини, юридик фанлари докторини **М.Б.Усмонов**, Халқаро “Экосан” жамғармасининг президенти, фалсафа фанлари докторини, профессорини **Ю.Ш.Шодиметов**

Чоп этиш учун масъул - юридик фанлари номзодини,
доцентини **Т.Р.Мирзаев**

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
1-схема. Экологик хавфсиз муҳит: кеча, бугун, эртага	6
2-схема. Экология ҳуқуқининг мақсади	9
3-схема. Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қарашлар тизими (концепцияси)	11
4-схема. И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва ривожланиш кафолатлари" китобидаги экологик муаммолар	14
5-схема. Экология ҳуқуқининг принциплари ва усуллари	15
6-схема. Экология ҳуқуқининг тизими	18
7-схема. Ўзбекистон Республикасида экология ҳуқуқининг манбалари	20
8-схема. Экология ҳуқуқининг объектлари	22
✓ 9-схема. Ўзбекистон Республикасида экология борасидаги давлат бошқарув органлари	24
10-схема. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг экологик ваколатлари	25
11-схема. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий ҳолати.....	30
12-схема. Экологик нодавлат ноижорат ташкилотлари (ЭНИТ)нинг фаолиятлари.....	32
13-схема. Халқаро "Экосан" жамғармасининг экологик фаолияти	33
14-схема. Мулк ҳуқуқида табиий ресурсларнинг ўзига хос томонлари.....	35
15-схема. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	37
✓ 16-схема. Экологик назорат	39
✓ 17-схема. Экологик экспертиза	41
18-схема. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми	44
19-схема. Табиий ресурслар кадастри	46

20-схема. Экологик жамғарма (фонд)лар	48
21-схема. Экологик жавобгарлик	49
22-схема. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг экологик фаолиятлари	51
23-схема. Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлинмаларининг экологик вазифалари	52
24-схема. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (ДБК) бўлинмаларининг экологик фаолияти бўйича шакллари	53
25-схема. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишининг ҳуқуқий-экологик тартиботи. Табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш объектлари.	55
26-схема. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг ҳуқуқий-экологик тартиботи. Давлат назорати, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.....	56
27-схема. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий-экологик тартиботи. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тартиботи	58
28-схема. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий-экологик тартиботи. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	59
29-схема. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий-экологик тартиботи	61
30-схема. Антропоген ўзгарган табиий муҳитни ҳуқуқий-экологик муҳофазалаш	64
31-схема. Атроф табиий муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофазалаш	65
32-схема. Ўзбекистоннинг ижтимоий-экологик кўрсаткичлари	
33-схема. Орол денгизи сув баланси ва унинг сатҳи ўзгариши	67
Экология ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий меъёрий ҳужжатлари	69
Умумий адабиётлар	70
Уқун адабиётлари	71
Махсус адабиётлар	72

Сўз боши

Ўқув қўлланма - республикамиз учун янги ва тез суръатларда ривожланиб бораётган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланган экология ҳуқуқини ўзлаштириб олишда хизмат қиладиган луғатли-кўргазмали манба. У кишилар ва уларни ўраб турувчи атроф табиий муҳит ўртасидаги мураккаб муносабатларни тартибга солишнинг бир қатор ҳуқуқ институтларини ўз ичига олган. Жамият қонунларининг табиат қонунлари билан мос тушмаслиги экологик тизимлар, табиий компонентлар ва кишиларни ягона макондаги бир бутунлигини бузади. Орол денгизи ва унинг атрофида юзага келган экологик инқироз ҳолати бунга яққол мисол бўла олади.

Экологик қонунлар тизими икки тизимчалар йиғиндиси- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларидан иборат. Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг мақсади - кишиларни атроф табиий муҳитга етказиб қолган салбий таъсирининг олдини олиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва уни қайта тиклашни ҳуқуқий тартибга солишдир. Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг манбалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Табиатни муҳофаза қилиш", "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар" "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш" тўғрисидаги қонунлар ва шу ҳуқуқ тизимининг мақсадини амалга оширувчи ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлардан иборат.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг мақсади эса кишиларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва бир вақтда, уларни қайта тиклашни ҳуқуқий тартибга солишдир. Жамиятдаги бундай муносабатларни тартибга солиш ер, ер ости сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш каби қонунлар ва бу тизимнинг мақсадига мос тушадиган ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар орқали амалга оширилади.


Экология ҳуқуқининг схема ва тушунчалар орқали ўқитилиши тингловчиларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишда келиб чиқадиган жамиятдаги муносабатлар тизимини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали бошқариш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, экспертизадан ўтказиш каби кўникмаларни шакллантиради. Бу фан соҳаси бўйича махсус адабиётлар ва ўқув дарслиklarининг етишмаслиги сабабли бу муаммоларни ўрганишда мазкур қўлланма орқали мунозара ва амалий машғулот дарсларига мустақил ҳолатда муваффақиятли тайёрланиш имконини беради. Ўқув қўлланма экология ҳуқуқи фанини ўқишда техник воситаларни ишлатишнинг асосий таъминот базаси бўлиб хизмат қилади ва баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича тест саволларига тез жавоб топиш имкониятларини беради.

Ушбу ўқув қўлланма "Экология ҳуқуқи" фани бўйича ўзига хос кўринишда чоп этилган. Шунинг учун ҳам Сизнинг, азиз китобхон, билдирган фикр-мулоҳазаларингиз билан кейинги нашрнинг бойитиш ниятидамиз. Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. ТДЮИ экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси.

“Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик,қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”

И.А.Каримов

1-схема. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ МУҲИТ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



- —————→ Экологик хавфсиз муҳитнинг шу кунгача бўлган йўналиши. Кишилар ва табиат ўртасидаги муносабат шаклларига қараб туриб экологик хавфсиз муҳитнинг келажакдаги йўналиши:
- б→ иқтисодий-экологик шаклдаги йўналиши
- в - - - - -→ экологик шаклдаги йўналиши.

Экологик хавфсиз муҳит- кишиларнинг муҳим ҳаётий манфаатларини аввалло тоза, соғлом, қулай табиий шароитга бўлган талабини қондиришга қодир бўла оладиган атроф муҳит ҳолати.

Экологик тизим (экотизим) - тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш муҳити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф табиий муҳит билан узвий алоқадорлик қонунияти асосида бўлиши.

Кишилар ва табиат ўртасидаги муносабат шакллари- кишиларнинг атроф табиий муҳит билан ўзаро узвий боғланган ҳаёт тарзи.

Оддий муносабат шакли- кишиларнинг экологик тизимни бузмайдиган соддалаштирилган ҳаёт тарзи.

Оддий – иқтисодий муносабат шакли – экологик тизимни кам ёки кичик (маҳаллий аҳамиятга эга бўлган) миқдорда бузадиган кишиларнинг ҳаёт тарзи.

Иқтисодий муносабат шакли- кишилар ўз иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун атроф табиатни фақат истеъмол қилиш натижасида атроф муҳитнинг ифлосланиши, ўзгариши ва табиий ресурсларнинг тугаши экологик тизимни кенг миқдорда (майдонда) бузилишига олиб келадиган ҳаёт тарзи.

Иқтисодий - экологик муносабат шакли- кишиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаёт тарзи, у мавжуд экологик тизим ҳолатини сақлаб қолади.

Экологик муносабат шакли- кишиларни табиий ресурслардан ўта самарали фойдаланиши, қайта тиклаши ва уни муҳофаза қилиши, яъни экологик тизимни соғломлаштиришга қаратилган ҳаёт тарзи.

Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши- табиий моддалар (атмосфера, тупроқ, сув...) таркибининг физик ва кимевий салбий ўзгариши.

Табиий муҳитнинг бузилиши- табиий муҳитни тўлиқ ёки қисман бузилган ҳудуд, минтақа ёки жойларда модда ва энергия алмашуви жараёнининг тўлиқ кечмаслиги.


Табиий ресурсларнинг тугаши- кишиларнинг хўжалик ва бошқа фаолияти манбаи бўлган табиий объектларнинг йўқотилиши.

Экологик инқироз- жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор равишда бузилиши натижасида атроф табиий муҳитнинг ёмонлашиб бориши, давлат бошқарув ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган сўлбий ҳолатдан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятларининг йўқолиши. Табиий муҳит инқироzi ва ижтимоий муҳит фалокати.

“Кишилар ҳаётини сақлаб қолишнинг
ҳозирги замондаги энг самарали
усулларидан бири, табиатни муҳофаза
қилиш ва табиий ресурслардан
фойдаланишда келиб чиқадиган
жамиятдаги муносабатларни ҳуқуқий-
меъёрий бошқаришдир”

Н.Ф.Реймерс

2-схема. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ МАКСАДИ



Экология – грекчада "oikos" - уй, яшаш макони, турар жойи, "logos" - таълимот, кенг маънода тирик организмлар яшайдиган макон ҳақидаги таълимот. Ҳозирги кунда бу таълимот тирик организмлар ўзаро ва улар атрофини ўраб турувчи табиий муҳит билан ўзаро муносабатлари ёки ўзаро алоқадорлик қонуниятларини ўрганади.

Ижтимоий экология – жамият (кишилар) ва уларни ўраб турувчи табиий муҳит билан ўзаро алоқадорликни ўрганувчи таълимот ёки фан соҳаси.

Экология ҳуқуқи – жамият (кишилар) ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир доираси экологик ҳаракатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий тамойиллари, нормалари ва меъёрларини ўрганувчи таълимот ёки фан соҳаси.

Экология ҳуқуқининг предмети – жамият (кишилар) ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир доирасининг жамиятдаги экологик ҳуқуқий муносабатлар.

Экология ҳуқуқининг мақсади – ҳозирги ва келажак авлод учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасидаги жамиятнинг экологик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.

3-схема. ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАР ТИЗИМИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)



↔* Қонунларнинг ҳаракат йўналишлари
→

Экологик концепция – табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири нуриисидыги қарашлар тизими, яъни жамият қонунлари билан табиат қонунлари ўзаро ҳаракат йўналишларининг ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги дунёқарашлар.

Натуралистик концепция – жамиятдан устун турувчи табиатни илохий куч, доно яратувчи, идеал борлиқ деб қарайдиган фалсафий оқимлар ва мактаблар. Бундай қарашлар тизими ўрта аср даврига хос бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг намоёндалари баланд тоғ минтақасида ёки қалин тропик ўрмонларда яшайдиган ибтидоий инсонлар психологиясига хосдир.

Истеъмолчилик концепцияси – жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлик қилиш ғоясини илгари сурадиганлар, яъни табиат қонунларига нисбатан жамият қонунларини афзал биладиганлар қараши. Булар асосан бозор иқтисодиёти шаклланаётган капитализмнинг бошланғич даврида турган “янги бизнес” соҳибларига хосдир.

Алармизм – немисчада “alarm” – ваҳима, ташвиш, ҳавотир. Ер кўррасида экологик инқироз яқинлашиб келаётганлиги ҳақида ҳавотирга тушган жамоат ҳаракатлари. Уларнинг намоёндалари икки оқимга бўлинадилар: пессимистик қарашлар – кишиларнинг яшаш муҳитини жуда мудҳиш кўрсатиб, ҳозирги цивилизация сўзсиз экологик инқирозга олиб келади, дейдиганлар; *оптимистик* қарашлар фақат демократик (фуқоролик) жамият ва эркин бозоргина экологик инқирознинг олдини олади дейдиганлар.

Экологик инқироз сабаблари концепцияси – цивилизация, яъни илмий-техник тараққиёт ва демографик ривожланиш экологик инқироз сабаби эканлигини кўрсатувчилар.

Ҳаракатлар стратегияси – экологик инқироздан чиқиб кетишнинг уч йўлини кўрсатувчи ғарб социологларининг қарашлар тизими: табиатга *аралашмаслик*; муаммоси бор табиат қонунларига *ҳужум қилиш*; атроф муҳитга кишиларни *мослаштириш* орқали кишилик жамиятини бошқариш.

Ўсиш чегараси ва органик ривожланиш концепцияси ер курраси ресурслари имкониятларига монанд равишда, илмий-техника ва инсонлар кўпайишининг ўсиш чегарасини белгилаш. Органик ривожланиш намояндалари фан ва техника ҳамда инсонлар сонининг чегарасини маълум бир регион (худуд)ларда босқичма-босқич амалга оширишни таклиф қиладилар.

Экологик революциялар концепцияси- сиёсий тузум ва кишиларнинг фикрларини революцион йўл билан (кескин равишда) истеъмолчилик психологиясидан экологик талаблар доирасига ўтказишни таклиф қиладиганлар.

Муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепцияси- жамиятнинг экологик талабларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш талабларига мослаштиришни таклиф қилувчилар.


Социалистик концепция- атроф табиий муҳит ҳолатини ҳисобга олган тарзда жамият кучларини бир меъёردа режали ривожлантиришни ёқлаб чиқувчилар.

4-схема. И.А.КАРИМОВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР ЎСАФАСИДА: ХАВФСИЗЛИККА ТАХДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ” КИТОБИДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Экологик муаммолар



5-схема. ЭКОЛОГИЯ ХУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ✓



Экология ҳуқуқининг принциплари (қоидалари) - табиатни муҳофиза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий ҳуқуқий-меъёрий қоидалари.

Табиатдан оқилона фойдаланиш- табиий ресурсларни тежамкорлик билан ишлатиш ва экологик тизимларни бузмайдиган шароитлар яратишни таъминлайдиган кишилар фаолияти тизими.

Табиатдан оқилона фойдаланмаслик - табиий ресурс имкониятларини сақлаб қолишни таъминлай олмайдиган кишилар фаолияти тизими.

Табиатдан фойдаланиш - табиатнинг ресурс имкониятларидан турли хил шаклда ва йўналишда фойдаланиш йиғиндиси.

Табиат- кенг маънода турли шаклдаги бутун табиий борлиқ ёки кишилар бевосита ёхуд билвосита таъсир қилувчи ва ҳўжалик фаолиятида ўзаро муносабатда бўлувчи кишилар жамиятининг ҳаётий зарур табиий шароитлар йиғиндиси.

Кишиларни ўраб турувчи атроф табиий муҳит муҳофазаси- кишиларга хавфсиз муҳитни таъминлаб берувчи табиий тизимлар ишини ташкил қилишдаги сиёсий, маъмурий - ҳўжалик ва жамоатчиликнинг халқаро, давлат, мингақавий ва маҳаллий тадбирлар комплекси (мажмуи).


Табиатни муҳофаза қилиш усуллари - табиатни муҳофаза қилиш борасида жамиятдаги муносабатларга таъсир этиш йўллари. Бу усулларга табиий-илмий, иқтисодий, санитар- тозалик, гашкилий-бошқарув, маданий-тарбиявий ва ҳуқуқий усуллари киради.

Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий усули- табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектларини белгилаш, давлат ва жамоатнинг экологик назорат йўллари қўллаш, экологик муносабатларни бошқаришда тавсияловчи, тақққловчи, рухсат берувчи, мажбурловчи, бошқарувчи, қопловчи ва бошқа

нормаларни белгилаш, экологик ҳуқуқбузарлик учун экологик-иқтисодий ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, келтирилган зарарни қоплаш каби тадбирлар мажмуи киради.

Табиатни муҳофаза қилишнинг маъмурий ҳуқуқий усули- асосан таъқиқловчи, олдини оловчи ва мажбурловчи меъёрларни қўллаш орқали табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда келиб чиқадиган жамиятдаги муносабатларни ҳуқуқий бошқариш йўли. Бу усул томонлар (давлат-ҳоким, тартибловчи; жамоат-бўйсинувчи, ижро этувчи бўлиб чиқади) тенгсизлиги асосида амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилишнинг фуқаровий- ҳуқуқий усули - моддий (иқтисодий) манфаатдорликни қўллаш орқали табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда келиб чиқадиган жамиятдаги муносабатларни ҳуқуқий бошқариш йўли. Бу усул томонлар (давлат ва жамоат) тенглиги асосида амалга оширилади.



6-схема. ЭКОЛОГИЯ ХУҚУҚИНИНГ ТИЗИМИ

Экология ҳуқуқи тизимининг қисмлари		
Умумий қисм	Алоҳида қисм	Махсус қисм
Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг умумий масалалари	1. Муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби 2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик ҳуқуқий тартиби	Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқи
Табиат ва жамият ўртасидаги муносабат шакллари ва концепциялари	1. ер сув ер ости бойликлари	Предмети ва принциплари
Предмети ва тизими	атмосфера ҳавоси	Манбалари, объектлари ва субъектлари
Манбалари ва объектлари	флора (симлиқ дунёси)	Халқаро мониторинг
Экологик муносабатларни давлат ва жамоат бошқаруви	фауна (ҳайвонот дунёси)	Минтақавий ва субминтақавий муҳофаза
Табиий объектларга мулкчилик ҳуқуқи	2. халқ ҳўжалик тармоқларида	Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик
Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи	аҳоли пунктлари ва шаҳарларда	Атмосфера ҳавоси, сув, ер ва фазони муҳофаза қилишнинг халқаро ҳуқуқи
Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш механизми	алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва объектларда	Экология борасида халқаро муносабатлар
Экологик жавобгарлик	экологик хавфли шароитдаги теғраларда	
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг экологик ваколатлари		

Экология ҳуқуқининг тизими - экологик қонуниятларга б.ноан. маълум бир кетма-кетлик асосида экология ҳуқуқи қисмлари ва институтларининг жойланиш мажмуи.

Экология ҳуқуқи институтлари - экология ҳуқуқининг маълум бир соҳаси ёки йўналишларига қаратилган жамиятдаги муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси.

Умумий қисм - экология ҳуқуқининг умумий ёки ҳамма қисмларига тегишли масалаларни ва институтларнинг маълум бир тартибда кўриб чиқилиши ва урганилиши.

Алоҳида қисм - табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни алоҳида бир табиий объект, комплекс, ҳудуд ёки теграларда ҳуқуқий тартиботини кўриб чиқувчи институтлар.

Махсус қисм - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро- ҳуқуқий институтларини маълум бир тартибда кўриб чиқиш.

7-схема. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ

Э К О Л О Г И К	Т А Б И А Т Н И М У Ҳ О Ф А З А	К И Л И Ш	<ul style="list-style-type: none"> - Конституция - "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. - "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун - "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун <i>Атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган:</i> - Президент фармонлари ва фармойишлари - Олий Мажлис қонунлари ва қарорлари - Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, низомлари ва вақтинчалик низомлари - ваколатли вазирликлар, қўмиталар, бошқармаларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари - атроф муҳитнинг сифатини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар - Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, қарорлари ва низомлари - Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар
К О Н У Н Л А Р	Т А Б И Й Р Е С У Р С Л А Р Д А Н	Ф О Й Д А Л А Н И Ш	<ul style="list-style-type: none"> - Конституция - Ер кодекси. - "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун - "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун - "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундай фойдаланиш тўғрисида"ги қонун - "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун. - "Концессия тўғрисида"ги қонун. <i>Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган:</i> - Президент фармонлари ва фармойишлари - Олий Мажлис қонунлари ва қарорлари - Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, низомлари ва вақтинчалик низомлари - ваколатли вазирликлар, қўмиталар, бошқармаларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари - табиий ресурслардан фойдаланишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар - Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва қарорлари. - Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро экология ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар

Экология ҳуқуқининг манбалари – жамиятдаги экологик муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси.

Экология ҳуқуқининг меъёрлари - жамиятдаги экологик муносабатларни тартибга солувчи ҳаракат қоидалари. Уларни экологиялаштирилган, соҳалаштирилган ва умумлаштирилган турлари бўлади .

Экологик ҳуқуқий меъёр - жамиятдаги экологик шартларни (таъқиқловчи, мажбурловчи ва ваколатловчи) ўзида акс эттирувчи ҳуқуқий кўрсатмалар.


Экологик қонунлар - экология борасида қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ийғиндиси ёки табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг қонун актлари йиғиндиси.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари - экологик тизимларнинг бир бутунлигини бузмаган ва кишиларни ўраб турувчи атроф муҳитни оптимал ҳолатда ушлаб турадиган табиатни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни қайта тиклаш ва табиий ресурслардан юқори даражадаги самарадорлик билан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси.

Табиий ресурслардан фойдаланиш қонунлари - табиий ресурслардан фойдаланиш ва бир вақтнинг ўзида уларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар йиғиндиси.

Атроф табиий муҳит сифатининг меъёрлари- кишиларни атроф табиий муҳитга нисбатан ҳужалик юритиш фаолиятининг энг юқори руҳсат этилган меъёри (чегараси). Улар чиқитларнинг йиғилиши (концентрациялашуви) нинг энг юқори меъёри (ПДК), ифлосланишнинг энг юқори меъёри (ПДУ), кимёвий моддаларнинг сон жиҳатдан энг юқори меъёри (ПДХВ) ва шунга ўхшаш меъёрий кўрсаткичларда бўлади.

8-схема. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ



Экология ҳуқуқининг объектлари - амалдаги қонунлар билан ҳимоя қилина олинadиган атроф табиий муҳитнинг таркибий қисмлари. Уларда ҳўйидаги белгилар мўжассамлашган бўлиши шарт: 1) табиий келиб чиққанлик; 2) экологик тизимнинг таркибига кириши; 3) кишиларнинг экологик, иқтисодий, маданий ва дам олиш талабини бажариши, ҳамда яшаш муҳити сифатини таъминлаб бериши.

Атроф табиий муҳит - ҳўжалик фаолияти таъсирида бўлмаган ёки ундан кам таъсирланган кишиларни ўраб турувчи табиий муҳит.

Антропоген ўзгарган табиий муҳит - кишиларни ҳўжалик фаолияти жараёнида кучли ўзгарган табиий муҳитнинг бир бўлаги. Улар табиий, ўзгарган ва трансформациялашган экологик тизимлар билан ўзаро боғланган бўлади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаа қилишнинг ташқи чегараси – кишиларнинг ҳўжалик фаолиятини табиий объектларга таъсир этадиган, қонунлар билан муҳофаза қилиш мумкин бўлган атмосфера (фазо) қобилининг юқори ва ер ости қобилининг пастки чегараси.

Табиий объектлар – кишилар иштирокисиз бор бўлган ва ривожлана оладиган атроф табиий муҳитнинг табақалашган элементлари.

Табиий ресурслар – кишиларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий талабларини қондириш мақсадида ишлатилadиган ёки шуларга мўлжалланган табиий объектлар.

Табиий комплекс – қонун муҳофазасида турган маълум бир ҳудудлардаги табиий объект ва ресурсларнинг интеграллашган (умумлашган) ҳолдаги бир бутунлиги.

**9-схема. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИЯ
БОРАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**



**10-схема. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ
ЭКОЛОГИК ВАКОЛАТЛАРИ**

Давлат ҳоки- мияти ва бош- қарув органлари	Ваколатлари
Президент	<ul style="list-style-type: none"> ■ экологик хавфсиз муҳитни таъминлаш учун зарурий чора-тадбирлар кўради ■ экология борасидаги қонунларни имзолайди ва шунга оид фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қилади, экологик қонун меёрларини бузувчи давлат ҳоқимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатларини бекор қилади ■ Олий Мажлис тасдиғига табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси лавозимига номзод тақдим этади ■ экологик инқироз ёки талофат кўрган ҳудудлар ёки бутун ҳудуд бўйича фавқулодда ҳолат жорий этади ■ республика ички ва халқаро экологик сиёсатига доир ваколатларни амалга оширади.
Олий Мажлис	<ul style="list-style-type: none"> ■ табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини мувофиқлаштиради, унинг раисини тайинлайди ва уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилади ■ табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди ■ давлат экологик дастурларини қабул қилади ■ экологик қонунларни қабул қилади, ўзгартиради ва уларга қўшимчалар киритади ҳамда ўзи қабул қилган қонун ва қарорлари бажарилишини назорат қилишни ташкил қилади ■ табиий ресурслардан фойдаланиш учун туловларни жорий қилади ва уларга оид имтиёзларни белгилайди

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари	Ваколатлари
	<ul style="list-style-type: none"> ■ табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги бюджет харажатларини қабул қилади ■ <u>халқаро экологик шартнома ва битимларни ратификация (тасдиқлайди) ва денонсация қилади (барвақт тўхтатади)</u> ■ фавқулоддаги экологик ҳолатли ҳудуд ва акваторияларни эълон қилади, экологик офат, экологик инқироз теграларининг ҳуқуқий ҳолатини ва талофат кўрганларни мақомини белгилайди ва Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.
Вазирлар Маҳкамаси	<ul style="list-style-type: none"> ■ табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни тартибга солади ■ табиий ресурслар кадастрини ишлаб чиқади ва амалга оширади ■ экологик инқироз ҳолатини, табиий офат ва фалокатларни бартараф этish чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади ■ экологик қонунлар ижросини таъминлайди ■ экологик тәрғибот, маданият, ўқув ва таълимот тизимларини ташкиллаштиради ва уларни амалга оширади ■ табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби доирасини тасдиқлайди ва шунга ўхшаш ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатади.
Маҳаллий давлат органлари (ҳокимиятлар)	<ul style="list-style-type: none"> ■ ўзига тегишли ҳудудларда табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилайди, минтавий ёки ҳудудий экологик дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди

Давлат ҳоки- мияти ва бош- қарув органлари	Ваколатлари
	<ul style="list-style-type: none"> ■ маҳаллий табиий ресурслар кадастрини амалга оширади ва улардан фойдаланганлик ва ифлослантирганлик учун тўловларни амалга оширади ■ табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг моддий-техника таъминотини таъминлайди ■ табиий ресурслардан фойдаланиш, саноат, маиший чиқитларни ташлаш ёки қўмиш учун руҳсатномалар беради ва уларни бекор қилади ■ маҳаллий аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг экологик фаолиятини назорат қилади ва керак бўлса уни тўхтатиб қўяди ■ экологик меёрий ҳужжатларни қабул қилади, Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа экологик ваколатларни амалга оширади.
Табиатни муҳофоза қилиш давлат қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> ■ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга оширади ■ табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқаради ■ табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ■ атроф муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлайди, экологик вазиятни соғломлаштиради.

Экология борасида функционал бошқарув- лотин тилида "function" ижро этиш, амалга ошириш. Экология борасида давлат органларининг иш фаолияти билан боғлиқ ёки узига хос хизмат доирасидан келиб чиқадиган бошқарув ваколатлари. Масалан: Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАН га автотранспортлардан чиқадиган заҳарли чиқитлардан ва шовқиндан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни функционал назорати топширилган. Ўзбекистон Республикаси ДБҚ га эса Ўзбекистондан ташқарига табиий мероснинг чиқиб кетмаслиги ва четдан эса экологик хавфли моддалар, маҳсулотлар ва бошқа компонентларнинг кириб келмаслигини назорат қилиш функционал ҳуқуқий ваколати топширилган.

Экология борасида давлат органларининг ваколати- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг экология борасидаги (табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишдаги) ҳуқуқий ваколатлар доираси.

Экология борасида умумий бошқарув- экология борасида умумий давлат бошқаруви ваколатлар йиғиндиси.

Экология борасида комплекс бошқарув- экология борасида соҳалараро бошқарув ваколатлари. Масалан: Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига вазирлик, қўмита ёки бошқа қўринишдаги мулк эгаларининг табиий объектларни муҳофаза қилиши ёки улардан оқилона фойдаланишни комплекс назорат қилиш ваколати топширилган.

Экология борасида соҳавий бошқарув- экология борасида халқ хўжалигининг маълум бир соҳаси бўйича бошқарув ваколатлари. Масалан: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерларда ер ва сувдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича соҳавий бошқарувни олиб боради.

Экологик сиёсат- давлатнинг ҳудуд, сув акваторияси ва ҳаво кенглигининг чинакам (реал) ҳолатини ҳисобга олиб, атроф табиий муҳитни яхшилашга (соғломлаштиришга) қаратилган ички ижтимоий иқтисодий ва халқаро сиёсати.

Экологик дастур- давлат органлари, сиёсий партия, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бошқа экология ҳуқуқи субъектларининг экологик фаолиятининг мақсад ва вазифалари баёни.

Экологик таълим- ер курраси табиий бойликлари ва яқин фазога эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсониятни табиатдаги экологик жараёнлар билан узвий боғланганлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш ва бошланғич ўқитиш.


Экологик маданият- ҳозирги ва келажак авлод ҳаётида экологик муаммолар жуда чуқур аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолатдаги давлатлар ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичи ва таркибий қисми.

Экологик ўқув- кишиларда экологик дунёқарашни шакллантирадиган ва табиатда инсонларни тутган ўрни ҳақидаги билимлар билан қуроллантирадиган, табиий тизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ва ҳар бир инсоннинг бахту саодатидаги аҳамиятини тушунтиришга қаратилган экологик тарбия, таълим, маълумот ва тарғибот мажмуи.

Экологик тарғибот- табиий бойликларни максимал ҳолда сақлаб қолишни таъминловчи фактлар, қарашлар ва ғояларни оммавий ахборот воситалари вэ коммуникациялари (газета, радио, телевидение, журнал, оммавий маърузалар...) орқали йиғиш ва кенг тарқатиш.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш- табиий ресурсларнинг сон ва сифат кўрсаткичларини аввалги ҳолатга келтириш ёки уларни сақлаб қолиш мақсадида улардан кенгайтирилган ҳолатда фойдаланишни таъминловчи ҳаракатлар ва чора тadbирлар.

11-схема. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING ХУКУҚИЙ ХОЛАТИ



К И Л И Ш Д А В Л А Т К У М И Т А С И

Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари, Саноатда ишларнинг беҳатар олиб бориш ва қончилик назорати давл. кум., Урмон давл. кум., Узгеокадастр, Узгидромет, Давлат стандарти ва бошқа экологик назорат органлари фаолиятини	мувофиқлаштириб боради
жамоат бирлашмалари ва аҳоли билан	ҳамкорлик қилади
кенг куламда иқтисодий таъсир этишни қўллаш, экологик фаолиятини рағбатлантириш, илмий-техник ютуқларни кен- жорий қилиш	принципларига амал қилади
экологик меъерларни, экологик ҳамғармаларни стандартларни, экологик жамғармаларни	ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва ташкиллаштиради
экологик назоратнинг услубий раҳбарлигини, атроф муҳит мониторингини	амалга оширади ва анализ қилади
табиатни ифослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун, давлат экологик экспертизасини	ҳақ ундурлади ва олиб боради
қўриқхона ишини, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини ва янгисини ташкил қилишни	бошқаради, юритади ва таклиф қилади
табиат муҳофазасига қаратилган ва янги объектларни қабул қилиш ва ишга туширишни, ҳужалик фаолияти учун бериладиган ерларни танлаш ва ажратишни Қизил китоб туғрисидаги низомни	қатнашади, келишади ва тасдиқлайди

*26 апрел 1996 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган "ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш туғрисида"ги Низомга бинан бошқа Фаолиятласни ҳам юритади.

12- схема. ЭКОЛОГИК НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ (ЭННТ)НИНГ ФАОЛИЯТЛАРИ

Э Н Н Т	Ташкилотлар	Ф	Экологик тарғибот
			Конференция, симпозиум, давра сухбати чақириш ва уюштириш
		А	Жамғарма назорати
	Ассоци- ациялар	О	Жамоат экспертизаси
		Л	Акциялар (сиёсий ҳаракатлар)
		И	Референдумлар
		И	Жамоат талаблари
	Уюшмалар	Я	Клублар тузиш
		Т	Ҳамкорлик
		Т	Митинглар
			Петициялар (жамоат илтимослари)
			Экологик уйинлар
	Кўмиталар	Т	Кўрик-танловлар
		У	Экологик укув ва тарбия
		Р	Тижоратсиз иқтисодий фаолият
		Л	Дастур ва лойиҳалар
	Жамғармалар	Л	Келишувлар
		А	Шартнома, контрактлар, меморандумлар
		Р	Ҳорижий маблағ (инвестиция)ни жалб этиш
		И	Экологик нобоб объектларни моддий таъминлаш
Ҳаракатлар		Атроф табиий муҳитнинг экологик ва санитар ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа чора ва тадбирлар	

**13-схема. ХАЛҚАРО “ЭКОСАН”
ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯ . И**



Дастурлар ва лойиҳалар	Конференция ва мунозара-таажлислар	Халқаро уч-рашувлар ва миссиялар	Халқаро ҳам-корлик, чет эл инвестиция-ларини жалб қилиш
<p>“ДАН-ЭКОСАН”</p> <p>“ЮНИСЕФ ЭКОСАН”</p> <p>“АСПЕРА”</p> <p>“ТРАНСЭКОЗ”</p> <p>“ЭКОТУРИЗМ”</p> <p>“Аёл, экология ва саломатлик”</p> <p>“Оила, экология ва саломатлик”</p> <p>“СЭС-ЭКОСАН”</p> <p>“Экология ва саломатлик кунлари”</p> <p>“Маънавият, экология ва саломатлик” ва ҳ.к.</p>	<p>“Хуқуқ, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Транспорт, экология ва саломатлик”</p> <p>“Ёшларни экологик ўқитиш муаммолари”.</p> <p>“Иқтисод экология ва саломатлик”.</p> <p>“Бизнес, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Меҳнат, экология ва саломатлик”</p> <p>“Меҳнат, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Атроф муҳит ва саломатлик”.</p> <p>“Экотуризм ва Буюк ипақ йули”.</p> <p>“Экологик-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти” ва ҳ.к.</p>	<p>“Навруз, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Оила, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Қишлоқ, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Экологик ўлчамда кишилар омили”.</p> <p>“Атроф муҳит ва барқарор ривожланиш муаммолари”</p> <p>“Тупроқ, экология ва саломатлик”.</p> <p>“Буюк Темир, табиат ва инсон”.</p> <p>Фарғона водийси, Орол ва орол бўйи, ҳамда Новой ва Сурхандарё вилоятига миссиялар.</p>	<p>БМТ нинг халқаро ташкилотлари-ПРООН, ЮНЕП, ОБСЕ, ЮНИСЕФ, ВОЗ, Ю С А И Д , Э С К А Т О , Ю Н Ф П А , ЮНЕСКО.</p> <p>К. Аденауэр ва А. Эберт номида жамғармалар. АКШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Хитой, Покистон, Туркия ва бошқа аккредитациялашган элчи-хоналар.</p> <p>“МЕФА” (Швеция),</p> <p>“АБАКО” (Греция) “Фривз экспорт” (Покистон) “Азия трейдинг” (Қозоқистон) ва бошқа компаниялар.</p> <p>Ўзбек-греция “ЭКОЛОТ” қўшма корхонаси, “АСПЕРА” лойиҳаси бўйича болалар ЮНИСЕФ фонди ва ҳ.к.</p>

Нодавлат нотижорат ташкилот - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

Экологик жамоат бирлашмалари- экологик хавфсиз муҳитда яшаш эҳтиёжларини қондириш орқали келиб чиқадиган кишиларнинг экологик ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишининг қонуний талабларини рўёбга чиқариш учун қаратилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий тузилмаси.

Экологик жамоат бирлашмалари (нодавлат нотижорат ташкилотлари)нинг ҳуқуқий тартиби- давлат органлари томонидан тасдиқланган Низоми асосида фаолият юргазадиган тижорат мақсадларини кўзламайдиган, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ёқлаб чиқадиган нодавлат тузилмаси. Уларда аъзолик ихтиёрий, ўз-ўзини бошқариш, шахсий моддий базасига эга бўлиш каби ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор.


Халқаро экологик ҳамкорлик- экологик мақсадларни кўзлаган ҳолда нодавлат, нотижорат ташкилотларининг халқаро ташкилот, корхона, давлат ёки бошқа ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро ҳамкорлиги. Бу ҳамкорлик биргаликда экологик тадбирлар ўтказиш, дастур ва лойиҳалар тузиш, ахборот алмашиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш каби фаолият турларидан иборат бўлиши мумкин.

Хорижий инвестиция- ижтимоий-экологик дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинадиган чет эл инвесторларининг маблағлари.

Экосан- грекча “экос” ва “санос”, яъни экология ва саломатлик сўзларининг бош бўғинлари йиғиндисидан иборат бўлган халқаро жамғарма номи. У 1992 йил Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда 3 млн. дан ошиқ аъзоси, 34 та, мамлакатда 63 бўлинмалари ва ваколатхоналарига эга. Раиси-фалсафа фанлари доктори, профессор Ю.Ш.Шодиметов .

“Дан-экосан”- Ўзбекистон ҳудудида 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган автотранспорт ҳолатининг экологик талабларга жавоб беришини назорат қилиш бўйича кўрик-танлов. Ташкилотчилари: ЭКОСАН+ДАН ЎзР ИИВ+Ўзавтотранс.

**14-схема. МУЛК ҲУКУКИДА ТАБИЙ
РЕСУРСЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ**



Табиий ресурсларнинг моддийлиги – ўзининг объектив курсаткичларига биноан табиий ресурсларни мулк сифатида ушлаштира ёки ундирга олмаслиги (атмосфера ҳавоси, фазовий элементлар, иқлим ресурслари ва ҳ.к.)

Табиий ресурсларнинг ажралмаслиги - маълум бир табиий объектни мулк сифатида бошқа бир объектдан ажратиб бўлмаслиги (сувдан балиқни ажратиб бўлмайди, шунинг учун ҳам сув объектларига мулк ҳуқуқи балиққа бўлган мулк ҳуқуқидан ажралмасдир).


Табиий ресурслар қийматининг йўқлиги - айрим табиий объект (сунъий-урмон, боғ, тупроқ, ҳайвон...) ларни эволюцион ривожланиш ва кишиларнинг зарурий меҳнат фаолиятининг мужассамлашган ҳолдаги натижаси эканлиги, унинг аниқ бир қийматини белгила олиш имконини бермаслиги. Масалан бир пайтнинг ўзида ернинг ҳам кўчмас мулк ва ҳам табиий объектнинг ажралмас бир бўлаги эканлиги.

Умумсиёсий табиий ресурслар – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколат доирасига кирувчи муҳофазат заруриятлари, хавфсизликни таъминлаш, давлат чегараларини қўриқлаш ва шунга ўхшаш сиёсий вазифаларни бажарувчи ер участкалари ва табиий объектлар.

Умумэкологик табиий ресурслар – экологик вазифаларни бажарувчи алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ер участкалари, сув акваториялари ва табиий объектлар. Буларга Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида бир табиий объектлар (ноёб турдаги дарахт, тош, шаршара, рангли металллардан чиққан яхлит топилмалар ва ҳоказолар) ҳам киради.

Умумиқтисодий табиий ресурслар- энергетика, транспорт, космик тизимлар, ядро ва шунга ўхшаш бошқа иқтисодий зарур объектлар билан банд бўлган ер участкалари ва табиий объектлар.

15-схема. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУКУКИ



Табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи- атроф табиий муҳитнинг фойдали хусусиятларидан кишиларнинг қонун меъёрлари асосида фойдаланиши.

Табиатдан умумий фойдаланиш- инсонларнинг туғилиши ва яшаши мобайнида юзага келадиган табиатдан фойдаланиш учун махсус руҳсатнома талаб қилмайдиган табиий (инсонпарварлик) ҳуқуқи. Масалан: инсонларнинг атмосфера ҳавосидан, ичимлик сувидан маиший-хизмат ва даволаниш-соғломлаштириш мақсадида фойдаланиши.

Табиатдан махсус фойдаланиш- давлатнинг ваколатли органларидан руҳсатнома олиш орқали хўжалик юритиш учун табиатдан (ердан, сувдан, ер ости бойликларидан...) фойдаланиш.

Табиатдан фойдаланиш учун лицензиялар- маълум бир фаолиятни юритишда табиатдан фойдаланишга олинмайдиган руҳсатнома.

Табиатдан фойдаланишнинг шартнома шакли- табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чораларини олиб боришда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатувчи ҳужжат.


Табиий ресурслар ижараси- ижарага берувчи (мулк эгаси ёки эгаллаб турувчи) ва ижарачи (фойдаланувчи) ўртасида табиий ресурслардан иқтисодий, маданий-соғломлаштириш каби мақсадларда вақтинча фойдаланиш учун тузилган шартнома.

Табиатдан фойдаланиш концессияси- табиий ресурслардан маълум бир муддатда (Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ-15йилгача) чет эл юридик ва жисмоний шахслар (инвесторлар)нинг фойдаланиши учун берилмайдиган руҳсатнома.

Табиатдан комплекс фойдаланиш шартномаси- табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилган ҳолда икки ёки ундан ортиқ табиий ресурс объектларидан бир вақтда фойдаланиш учун тузилган шартнома.

Табиатдан комплекс фойдаланишни лимитлаштириш-экологик тизимларни сақлаш мақсадида табиатдан фойдаланишнинг экологик чегаралаш тизими (фойдаланиш ва истеъмол қилишнинг энг юқори кўрсаткичлар меъёри).

16-схема. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ



Экологик назорат – табиатни муҳофаза қилишнинг экологик талабларини ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг экология ҳуқуқи субъектлари томонидан бажарилишини назорат қилиш.

Экологик назоратнинг мақсади – оғоҳлантириш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш.

Экологик назоратнинг ахборотлаш шакли – оғоҳлантирувчи ёки жазоловчи чораларни қўллаш мақсадида давлат органларининг зарурий экологик маълумотлар йиғиб ва уларни умумлаштириб бериш.

Экологик назоратнинг оғоҳлантириш шакли – табиатни муҳофаза қилишнинг зарурий чораларини бажармаслик ва экологик қонунчиликка риоя этмаслик орқали келиб чиқадиган салбий оқибатларнинг олдини олиш.

Экологик назоратнинг жазолаш шакли – табиат ва унинг алоҳида объектларини муҳофаза қилишнинг мажбурий чораларини бажармайдиган ёки қонун кўрсатмаларига риоя этмайдиган айбдорларга нисбатан давлатнинг мажбурловчи чораларини қўллаш.


Экология борасида давлат назорати – экология борасида давлат назоратини амалга оширувчи ва шунга оид руҳсатномалар берувчи, меъёрларни, қоидаларни, лимитларни ва шунга ўхшаш вазифаларни бажаришга ваколатланган давлат бошқарув органларининг фаолияти (ИИВДАН, Санитар милицияси; Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси...)

Экология борасида давлат текшируви (назорати) – давлат органлари, раҳбар ходимлар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳаракатини ёки ҳаракатсизлигини амалдаги экологик қонунларга мос келишини текширишга ваколатланган давлат бошқарув органлари (прокуратура) назорати.

Атроф муҳит мониторинги – атроф табиий муҳит ва бошқа экология ҳуқуқи объектлари ҳолатини ва уларнинг кишилар фаолияти натижасида ўзгариб бориш даражасини кузатиб бориш ва уларни олдини олиш чораларини белгилаш.

Жамоат экологик назорати – атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик қонунчиликни амалиётда қўлланишини нодавлат ноижорат ташкилотлари (қасаба уюшмалари маҳалла йиғинлари, жамғармалар...) томонидан текшириш

17-схема. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА



Экологик экспертиза - атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ёки жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш талабларига ҳужалик юргизиш фаолияти ва унинг ишлаб чиқариш натижалари жавоб бера олишини махсус ваколатланган давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари томонидан тайинланган комиссия ёки бирон бир шахс томонидан олиб бориладиган алоҳида бир назорат тури.

Экологик экспертиза мақсади – табиатни муҳофаза қилиш, кишилар саломатлигини сақлаш ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун кишиларни зарарли ҳужалик фаолияти олдини олиш.

Экологик экспертиза вазифаси - аниқ бир ҳужалик объектларини атроф муҳитга ва кишилар саломатлигига таъсири даражасини баҳолаш.

Давлат экологик экспертизаси – экология борасидаги ваколатли давлат органи томонидан тайинланган комиссия фаолияти. Уларнинг хулосаси бутун соҳалар учун мажбурий бажарилиш кучига эга.

Соҳавий экологик экспертиза – давлат экологик экспертиза хулосаларига зид бўлмаган ва иш натижалари маълум бир соҳа ичида ўз кучига эга бўлган вазир ёки қўмита раиси томонидан тайинланадиган комиссия фаолияти.

Жамоат экологик экспертизаси – жамоат бирлашмалари ташаббуси билан нодавлат тузилмаларида амалга ошириладиган комиссиянинг экологик фаолияти. Унинг хулосалари тавсия кучига эга.


Илмий экологик экспертиза – илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, бирон бир илмий жамоа ёки алоҳида бир олимлар ташаббуси билан амалга ошириладиган экологик экспертиза.

Ҳуқуқий экологик экспертиза – Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни экологиялаштирганлик даражасини текшириш.

Меъёрий экологик экспертиза – Экологик хавфсизлик талабларига заҳарли моддаларнинг йиғилиши, ташланиши ва чиқарилиши, радиация ва шовқин таъсири, магнит майдон тебраниши каби атроф муҳит ҳолати меъёрларини мос келишини текшириш.

Санитар-экологик экспертиза – антропоген таъсир натижасида кишилар саломатлигини атроф табиий муҳит ҳолати билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш.

18-схема. АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ



Табиатни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми- табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини, жумладан ҳуқуқий-меъёрий нормаларни ҳаётга татбиқ қилиш имконини берувчи, маълум бир тартибдаги иқтисодий бўлинма ва институтларнинг ягона бир тизимда ишлаши.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар- табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун ва табиат объектларини қайта тиклаш ҳамда муҳофаза қилиш чораларини қўллаш мақсадида солиқ, ижара ва норматив баҳолар шаклида давлат томонидан фойдаланувчилардан ундириб олинadиган тўловлар.

Экологик жамғармалар- табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитнинг санитар ҳолатини яхшилаш ва экологик дастурларни молиявий таъминлаш каби мақсадларда тузилган пул йиғимлари. Буларга: давлат-республика, вилоят, шаҳар, туман; жамоат-“Оролни кутқариш”, “Экосан” жамғармалари мисол бўла олади.


Экологик суғурта- суғурталанувчилар ташкил қилган ва уларни пул жамғармалари орқали экологик нобоп оқибатлар юзага келганда уларни моддий ва маънавий зарарларини қоплаш мақсадида йўналтириладиган молиявий муносабатлар.

Экологик суғуртанинг мақсади- кўзда тутилмаган, атәйлаб қилинмаган ва тасодифан юзага келган ҳолатларда атроф муҳитнинг ифлосланиши натижасида учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суғуртали муҳофазалаш.

Мажбурий экологик суғурта- хўжалик юритиш фаолияти жараёнида атроф табиий муҳитни ифлослантириш мумкин бўлган ташкилот, корхона, муассаса, фуқаро ва турли кўринишдаги мулк эгаларининг суғурта компаниялари билан мажбурий равишда тузиладиган шартномаси

Ихтиёрий экологик суғурта- юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик нобоп шароитнинг юзага келиши муносабатини ҳисобга олган ҳолда суғурта компаниялари билан ихтиёрий равишда тузиладиган шартномаси.

19-схема. ТАБИЙ РЕСУРСЛАР КАДАСТРИ



